ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 631.1: 631.445.5(575.1)

Маматқулов Абдурашид Вахидович

ЎЗБЕКИСТОН ЧЎЛ ЗОНАСИ ТАБИИЙ-ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт

Иқтисод фанлари доктори
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2012

Диссертация Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган

Илмий маслаҳатчи:	иқтисод фанлари доктори, профессор **Ахмедов Турсин Мухитович**
Расмий оппонентлар:	иқтисод фанлари доктори, профессор **Қодиров Абдурашид Мажидович**
	иқтисод фанлари доктори, профессор **Салимов Бахтиёр Тожиевич**
	география фанлари доктори, профессор **Солиев Абдусами Солиевич**
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Ҳимоя Тошкент молия институти ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.60.01. рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил “___” _____ соат ____ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60-А уй.

Диссертация билан Тошкент молия институти кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил “__” _____ да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби
география фанлари номзоди, доцент **Ш.А.Азимов**

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида мавжуд ички имкониятлар ва бой табиий-иқтисодий салоҳиятдан унумли фойдаланиш орқали аҳоли турмуш шароитини яхшилаш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга ошириш мумкин”.[1]

Ушбу устувор йўналишлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган шароитда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Ўзбекистонда инқироз оқибатларини бартараф этиш ва таъсирини юмшатиш, аввалambор, мамлакатимиз раҳбарининг эътирофича, “Иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бизнинг мавжуд ресурслардан ...қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқдир”.[2]

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз минтақаларида минерал ҳом ашё ресурсларини ўзлаштириш натижасида йирик рақобатбардош саноат корхоналари барпо этиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришда ижобий натижаларга эришилди.

Бироқ, иқтисодий ўсишни таъминлашда ва аҳоли турмуш даражасини оширишда минтақаларнинг ўзига хос табиий-иқтисодий салоҳиятидан, унинг рақобат афзалликларидан, ички имкониятлари ва ресурсларидан амалиётда тўлиқ фойдаланилмаётир. Шу сабабли минтақалараро ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги тафовутлар, иқтисодиёт таркиби ва тармоқлар ўртасидаги номутаносибликлар сақланиб қолмоқда.

Айниқса, бу муаммолар мамлакатимизнинг асосий табиий-иқтисодий салоҳиятларига эга бўлган чўл зонаси учун жуда долзарбдир. Чўл зонаси таъсирида бўлган минтақаларга республикамиздаги мавжуд яйловларнинг 97,0 фоизи, минерал хом ашё ресурсларининг 91,0 фоизи, экин майдонининг 76,2 фоизи, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг яримидан ортиғи тўғри келади. Озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлашда, барқарор иқтисодий ўсишга эришишда, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда чўл зонасининг ўрни ва аҳамияти жуда катта эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Шу сабабли давлат томонидан чўл ҳудудлари жойлашган минтақаларнинг

---

[1] Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // – Т.: “Ўзбекистон, 2009. – Б. 20.

[2] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари // – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 34.

ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солиш, мавжуд табиий-иқтисодий салоҳият афзалликларидан максимал фойдаланиш ва мазкур жараёнда юзага келадиган экологик мувозанатнинг бузилиши ҳамда иқлим ўзгариши билан боғлиқ салбий оқибатларни камайтиришга эътиборни қаратиш зарур. Бинобарин, чўл зонасида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг аниқ механизмларини шакллантириш ўта долзарб бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари билан узвий боғлиқдир.

Шу боис, мамлакатимиз чўл ҳудудлари мавжуд минтақалари салоҳиятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсирини чуқурроқ ўрганиш, унинг назарий ва илмий асосларини ишлаб чиқиш, аниқ амалий таклифлар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб мавзуси бўлиб қолмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Минтақаларни барқарор ривожлантириш назарияси, услубиёт ва услублари бир қатор хорижий давлатлар, мамлакатимиз иқтисодчи ва иқтисодчи-географ олимларининг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Жумладан, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг назарий ва услубий асослари А.Вебер, У.Изард, Дж.Кейнс, В.Кристаллер, В.Лаунхардт, А.Лёш, М.Темпле, Й.Тюнен, Т.Хегерстранд ва бошқа хорижлик олимларнинг[3] илмий ишларида ўрганилган.

МДҲ мамлакатлари олимларидан: М.Бандман, А.Бобоев, А.Гранберг, Г.Гутман, В.Кистанов, Н.Колосовский, Н.Некрасов, А.Новоселов, Ю.Саушкин, Р.Шнипер ва бошқалар[4] минтақа иқтисодиётини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшганлар.

Ўзбекистонда минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларига бағишланган илмий ишлар М.А.Абдусалямов, Қ.Х.Абдураҳмонов, Қ.Н.Абирқулов, З.М.Акрамов, Р.О.Алимов, О.Б.Ата-Мирзаев, Т.М.Аҳмедов, Э.А.Аҳмедов, К.Н.Бедринцев, И.И.Искандаров, А.Ф.Расулов, Б.Р.Рўзметов, А.М.Содиқов, А.С.Солиев, Р.А.Убайдуллаева, Ф.Т.Эгамбердиев, А.А.Қаюмов, А.М.Қодиров, Қ.А.Ҳасанжонов ва бошқа олимларнинг[5] тадқиқотларида ўз аксини топган.

---

[3] A.Veber, "About accommodation of the industry: the pure theory of shtandorts", 1909. W. Izard, “Methods of the regional analysis: introduction in a science about regions. – M.: Progress”, 1966. Дж.Кейнс, General Theory of Employment, Interest and Money, 1936. V.Kristaller, “The Central places in southern Germany ” 1993. A.Lyosh, “The Spatial organization of facilities”, 1940. J. Tjunen, “The Isolated state in its relation to an agriculture and national economy” 1826. T.Hegerstrand, “Diffusion of innovations as spatial process”, 1953. Temple M. Regional Economics. The Macmillan Press Ltd., 1994.

[4] Бандман М. Территориально-производственные комплексы: теория и практика предплановых исследований. – Новосибирск: Наука, 1980. Гутман Г.В. и др. Управление региональной экономики. – М.: ГУВШЭ, 2003. – С. 22. Гранберг А.Г. “Основы региональной экономики”. –М. ГУВШЭ, 2000. 496 с. Маршалов А.С., Новоселов А.С. Основы теории регионального воспроизводства. – М.:,1998. – С.14. Некрасов Н.Н. Региональная экономика. Теория, проблемы, методы. 2-е изд. –М.: Экономика, 1978. 344 с. Кистанов В.В. Территориальная организация производства. – М.: Экономика, 1981, – С. 78. Колосовский Н.Н. Теория экономического районирования. – М. Мысль, 1969. – С. 15. Саушкин Ю. Экономическая география: история, теория, методы, практика. – М.: Мысль, 1973. Шнипер Р., Новоселов А.С. Региональные проблемы рынковедения. Экономический аспект. – Новосибирск: Наука, 1993.

[5] Абдусалямов М., Алимов А. и др. Производительные силы и совершенствование экономических связей Узбекистана – Т.: Узбекистан, 1986, 286 с. Абдураҳмонов К.Х. и др. Размещение производительных сил. – Т.: 2006, – С.141. Абирқулов Қ.А., Республикамиз минтақаларида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш жараёнида атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA” 2008. 121б. Ата-Мирзаев О.Б. Региональное прогнозирование расселения и

Ўзбекистонда чўл зонаси муаммоларини ўрганиш бўйича Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва чўл зонаси табиий ресурсларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш Халқаро маркази (ИКАРДА) томонидан бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган.[6]

Бироқ, шунга қарамасдан, чўл зонасининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларига бағишланган мажмуавий илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган ва адабиётларда кенг ёритилмаган. Айниқса, унинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишни минтақаларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан ягона бирликда ўрганишнинг назарий, илмий ва амалий асослари ишлаб чиқилмаган, мужассамлашган ҳолда илмий ўрганиш деярли амалга оширилмаган.

Энг асосийси, чўл зонасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати, унинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни, табақаланиш даражаси, мазкур минтақалар салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва аҳоли турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган муаммолар тўлалигича ўз ечимини топмаган. Юқоридаги ҳолатлар диссертация мавзусини танлашда, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий иш республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашувининг устувор йўналишларига мос келади ва у Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти илмий ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистоннинг чўл зонаси табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали барқарор иқтисодий ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, диссертацияда қуйидаги асосий вазифалар қўйилган:

- минтақа иқтисодиётни ривожлантиришнинг назарий-услубий асосларини ўрганиш, “минтақа”, “табиий-иқтисодий зоналар”, “минтақавий салоҳият” тушунчаларини гуруҳлаш ва тизимлаштириш;

- иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда табиий-иқтисодий зоналар, хусусан чўл зонасининг ўрни, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда

управление процессом урбанизации. – Т.: Фан, 1979, – С. 91. Ахмедов Т.М., Ҳасанжонов Қ.А., Хакимов Н.Х. Региональная экономика – М.: 2006, 235 с. Рузметов Б.Р. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ (на примере Хорезмской области). Автореф. дис. экон. наук. – Т.: 1998, 42 с. Садыков А.М. “Основы регионального развития: теория, методология, практика”. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2005. 280 с. Солиев А.С., Ахмедов Э.А. Минтақавий иқтисодиёт. – Т.: 2002, 317 б. Убайдуллаева Р.А., Атамирзаев О.Б., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. – Т.: Университет. 2006, 95 б. Эгамбердиев Ф.Т. Региональные особенности развития агропромышленного производства в условиях либеризации экономики. Автореф. дис. уч. степени доктора экон. наук. – Т.: 2003, 35 с. Қаюмов А. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт. – Т.: 2004, 212 б. Қодиров А.М., Расулов А.Ф., Алимов Р.О. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. – Т.: Konsauditinform-nashr, 2006, 400 б.

[6] Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти. Чўл ва яйлов чорвачилиги. – Самарқанд, 2005, 233 б. Программа КГМСХИ по устойчивому развитию сельского хозяйства в Централной Азии и Закавказье. Третье издание, 2005, –С.32.

табиий-иқтисодий салоҳиятнинг рақобат афзалликларидан фойдаланиш шакл ва услубларини асослаш;

- табиий-иқтисодий салоҳиятдан фойдаланишнинг хорижий тажрибаларини ўрганиш орқали минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришда фойдаланиш йўлларини аниқлаш;

- минтақалар табиий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш услубларини асослаб бериш;

- минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари, табақалашув даражаси ва муаммоларини аниқлаш;

- минтақаларнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда ер, сув, минерал хом ашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўлларини асослаш;

- минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига чўллашув жараёни ва иқлим ўзгаришининг таъсирини ўрганиш;

- чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали барқарор ривожлантириш сценарий, вариант ва устувор йўналишларини илмий асослаш;

- чўл зонасини барқарор ривожлантиришнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистоннинг чўл ҳудудлари мавжуд минтақалари (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар).

Тадқиқот предмети: минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда анкета орқали кузатиш, индекс усули, моделлаштириш, прогнозлаш, статистик гуруҳлаш, тизимли таҳлил, умумлаштириш, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси: диссертация жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар минтақалар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ҳамда уларни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожланишига оид илмий прогнозларни ишлаб чиқишда қўлланилиши кўзда тутилади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- мамлакатни барқарор ривожлантиришда табиий-иқтисодий зоналарнинг, хусусан чўл зонасининг ўрни, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларини аниқлашнинг назарий ва услубий асослари ишлаб чиқилди;

- минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришга таъсир этувчи табиий-иқтисодий салоҳиятдан амалиётда самарали фойдаланиш йўллари таклиф этилди;

- чўл зонаси табиий-иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш, баҳолаш ва барқарор ривожлантириш стратегиясининг услубий асослари ишлаб чиқилди;

- минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги табақалашув сабаб ва муаммоларичуқур таҳлил қилиш натижасида очиб берилди;

- минтақаларда иқтисодий ўсишни таъминлашда табиий салоҳият ва минерал хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари ҳамда экологик омилларнинг таъсири аниқланди;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича муқобил вариантли сценарийлар ҳамда уларни амалга ошириш механизмларига доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилди.

Ишнинг илмий янгилиги:

мамлакатнинг барқарор ривожланишида табиий-иқтисодий зоналар, хусусан, чўл зонасининг ўрни ва ўзига хос хусусиятлари очиб берилган ҳамда унинг илмий-назарий, услубий асослари такомиллаштирилган;

чўл зонасининг мамлакат озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни, салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш зарурияти илмий жиҳатдан асосланган;

хорижий мамлакатларнинг минтақаларни табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишда саноат корхоналарини жойлаштиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини қуриш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш механизмлари борасидаги тажрибаларини Ўзбекистон иқтисодиётида қўллаш тавсия этилган;

чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларда чўллашув жараёнининг кечиши ер майдони таркиби, тупроқ унумдорлиги, шўрланиш даражаси, ер ости сувларининг минераллашуви ва бошқа табиий-иқлим шароити кўрсаткичлари асосида аниқланган;

табиий-иқтисодий салоҳиятни баҳолашда индекс ва рейтинг услубларини қўллаш орқали минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига табиий-иқлим шароити ва экологик ҳолатнинг таъсири ўрганилган;

табиий-иқтисодий салоҳиятни аниқлаш, баҳолаш ва мониторинг қилиш асосида минтақаларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг услубий асослари ишлаб чиқилган;

чўл ҳудудлари мавжуд минтақалар ва туманларнинг иқтисодий ривожланишидаги тенденциялар, номутаносибликлар, тафовутлар аниқланган;

чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларнинг иқтисодий ўсиш сценарий ва вариантлари ишлаб чиқилган;

чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари (кластерлар ва ўсиш нуқталарини шакллантириш, минтақаларни рақобатбардошлик афзалликлари асосида йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш) илмий асосланган ва уларни амалга оширишнинг қонуний-ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – тадқиқот жараёнида олинган илмий хулосалар ва таклифлардан минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва ҳудудларни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожланишига оид илмий прогнозлар ишлаб чиқишда ҳамда уларнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий механизмларини

такомиллаштиришга қаратилган келгусидаги махсус, мустақил илмий-тадқиқот ва лойиҳа ишларида манба, қўлланма сифатида фойдаланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Муаллифнинг чўл зонасининг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали барқарор ривожлантиришга қаратилган амалий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан маҳаллий бошқарув институтлари ваколатларини кенгайтириш ва минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда хорижий инвесторларни жалб этишнинг самарали механизмларини такомиллаштиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда келажакда чўл зонасининг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш самарадорлигини ошириш, мамлакат озиқ-овқат ва ёқилғи-энергетика хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ўзаро бирликда ҳал қилиш имконини берадиган давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертация материалларидан олий ва ўрта махсус таълим тизимида “Минтақавий иқтисодиёт”, “Агросаноат мажмуи иқтисодиёти”, “Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти”, “Иқтисодий география ва экология” каби фанлар бўйича махсус ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг (2010 йил 11 ноябрдаги 04/1-18-2-сонли хати), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги (2012 йил 20 февралдаги далолатнома) ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш (2009 йил 8 июлдаги далолатнома) вазирликлари, “O’zbekqorako’li” компанияси (2012 йил 3 февралдаги далолатнома) ҳамда Ўзбекистон Миллий университети (2012 йил 10 январдаги далолатнома) томонидан фойдаланиш учун қабул қилинди.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот ишининг асосий ғоя ва хулосалари “Двадцатые международные Плехановские чтения” (Москва, 2007), “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларнинг барқарор ривожланиши” (Тошкент, 2008), “Тадбиркорлик менежменти: назария, амалиёт, истиқбол” (Тошкент, 2008), “Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари” (Тошкент, 2008), “Аграр иқтисодиёт тармоқларида ресурслардан фойдаланиш, банк ва молия” (Тошкент, 2008), “Ўзбекистон иқтисодиёти барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш бугунги куннинг устувор вазифаси” (Тошкент, 2009), “Аграр соҳада ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларнинг биологик, экологик ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш муаммолари” (Гулистон, 2009), “Чўл-яйлов чорвачилигининг экологик асосланган технологиялари” (Самарқанд, 2009), “Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда чорвачилик тармоғини иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришнинг аҳамияти” (Тошкент, 2010), “Баркамол авлод – мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти

пойдевори” (Тошкент, 2010), “Фаннинг долзарб муаммолари ёш олимлар нигоҳида” (Тошкент, 2010), “Место и значение малого бизнеса и частного предпринимательства в социально-экономическом развитии Узбекистана” (Ташкент, 2011), “Илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларга асосланган кичик бизнесни ривожлантириш муаммолари ёш олимлар нигоҳида” (Тошкент, 2011) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган:

Диссертация иши Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институтининг Илмий кенгаши кенгайтирилган йиғилишида ҳамда Тошкент молия институти ҳузуридаги Д.067.60.01. рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги Илмий семинар мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертациянинг асосий илмий ғоялари ва натижалари 39 номдаги илмий ишлар кўринишида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши таркибан кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг мазмуни 288 бетда баён этилиб, унда 43 та жадвал ва 18 та расм мавжуд.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишга қаратилган чоралар ўз натижасини бермоқда. Бу яна бир бор мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон шароитида инқирознинг салбий оқибатларини камайтириш ва барқарор иқтисодий ўсишининг асосий йўналишлари ва чоралари аниқ белгилаб берилганлигини тасдиқламоқда.[7]

Ушбу устувор йўналишлар, режалар ва тадбирларни бевосита минтақалар доирасида амалга оширилаётганлиги, уларни мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишдаги ўрни ва аҳамияти янада ошаётганлигини таъкидлаш лозим.

Шу боис, минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидаги ўзига хос рақобат афзалликларидан максимал даражада фойдаланиш ва салбий оқибатларини камайтиришнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш орқали амалий таклифлар тайёрлаш ўта долзарб бўлиб қолмоқда.

Минтақавий иқтисодиёт назарясини шакллантириш ва ривожлантиришда, аввалambор, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг миллий модели, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги тажриба ва ютуқлар, қўлланилган механизмлар асос бўлиб хизмат қилиши зарур. Шунингдек, хорижий давлатларда минтақаларни барқарор ривожлантиришнинг турли шакл ва услублари, олим ва мутахассисларнинг минтақавий сиёсат назарияси бўйича таклиф ва

[7] И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 48 б.

мулохазаларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Минтақавий иқтисодиёт назариясининг бошланғич нуқталаридан бири минтақа тушунчасининг моҳияти ва унинг турли шаклларини, ўзига хос хусусиятларини аниқлаб олишдан иборат. Тадқиқотда муаллиф томонидан минтақа тушунчаси ва моҳиятига доир хорижий давлатлар ва мамлакатимиз олимларининг қарашлари, фикрлари ва таклифлари чуқур таҳлил қилиниб, ўз мулоҳазалари баён этилган.

Аксарият олимларнинг таъкидлашича, минтақа шаклланишининг асосий маъноси табиий-экологик ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ўзаро муносабатлари туфайли ҳосил бўлган яхлит бирликдир. Снос. Бизнинг фикримизча, минтақа мамлакатнинг маълум бир қисми бўлиб, табиий ва иқтисодий шароитнинг умумийлиги билан ажралиб туради. Минтақа фақат маъмурий-ҳудудий чегаралар билан кифояланиб қолмасдан, айрим ҳолларда бир нечта ўзаро боғлиқ субъектлардан ташкил топиши ҳам мумкин (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси минтақалари тизимининг шаклланиши [8]

Иқтисодий ва табиий-иқтисодий омиллар таъсирида шаклланадиган минтақалар тизими маълум даражада шартли бўлиб, бир томондан, ўзаро боғлиқлиги ва иккинчи томондан, табақалашуви билан фарқланади. Айниқса, табиий-иқтисодий омиллар асосида шаклланган зоналар табиий-иқтисодий салоҳиятининг кескин фарқланиши билан ажралиб туради. Тадқиқот объекти бўлмиш чўл зонаси ўзининг табиий-иқлим шароити, ер, сув, минерал хом ашё ресурслари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. География нуқтаи назардан чўл зонаси текисликлардан ташкил топган бўлиб, денгиз сатҳидан 400-500 метр баландликда

[8] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

жойлашганлиги ва йил давомида ўртача ёғингарчилик миқдори 300 миллиметрдан ошмаслиги билан чегараланади.

Муаллифнинг фикрича, чўл зонаси чегараларини белгилашда аҳоли яшаш жойлари, унинг турмуш даражаси, табиий-иқтисодий салоҳияти ва ундан фойдаланиш асосида вужудга келадиган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари жойлашган ҳудудларни асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, чўл зонасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: “чўл зонаси – мамлакатнинг айрим маъмурий ҳудудларидан ташкил топган табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий салоҳияти билан ажралиб турувчи, ўзига хос аҳоли жойлашуви ва экологик тизимига эга бўлган минтақасидир”.

Турли минтақавий иқтисодий ва бошқарув назарияларини (Кейнс модели, неоклассик, институционал, эволюцион, стратегик бошқарув) таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, минтақани барқарор ривожлантиришнинг асосини мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш ташкил этади. Минтақавий иқтисодиёт назариясида салоҳиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири, унинг таркибий тузилиши бўйича олимларнинг турли қарашлари, фикр ва мулоҳазалари мавжуд. Табиий-иқтисодий салоҳият тўғридан-тўғри минтақаларнинг барқарор иқтисодий ривожланишига ва аҳоли турмуш даражасига таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, салоҳиятнинг айрим кўринишларини ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсири бир хил эмас. Шу боис, тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда салоҳият турлари умумлаштирилиб, тизимли кўриниши таклиф этилган (2-расм).

Салоҳиятининг алоҳида кўриниши бўлган табиий шароит ва ресурслар чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. Тадқиқотда чўл зонаси салоҳиятининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа минтақалардан фарқланиши илмий асосланган ва улар қуйидагилардан иборат:

- иқлим шароитини белгиловчи қуёш радиациясининг кучлилиги, ҳаво ҳароратининг юқори даражада қизиши, намлик миқдорининг камлиги, қурғоқчилик хавфининг юқорилиги;

- чўл зонаси табиий-иқлим шароитига мослашган ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини ривожлантириш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда уларнинг ўрни юқорилиги, қоракўлчилик ва юқори сифатли қоракўл терисини тайёрлаш салоҳиятининг мавжудлиги;

- мазкур минтақаларнинг табиий хом ашё ресурсларига бойлиги, жумладан табиий газ ва газ конденсати захираларининг асосий қисми чўл зонасида жойлашганлиги мамлакат энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади;

- чўл зонасидаги мавжуд рангли металлар, кимё саноати хом ашё захиралари саноат корхоналарини барқарор ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади;

- экологик муаммоларнинг (чўллашув жараёни, сув ва ернинг шўрланганлиги, Орол денгизининг қуриб бориши, иқлим ўзгариши) ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражасига салбий таъсири ва бошқалар.



2-расм. Чўл зонасининг салоҳият тизими [9]

[9] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Хорижий давлатлар (АҚШ, Австралия, Хитой, Россия ва бошқ.) ҳамда ҳудудларини асосий қисмини чўллар ташкил қилувчи чегарадош давлатлар (Туркманистон ва Қозоғистон Республикалари) ўзининг табиий-иқтисодий салоҳияти билан кескин фарқланадиган минтақаларни барқарор ривожлантиришда бой тажрибага эга.

Жумладан, уларнинг минтақаларни бошқаришда мақсадли дастурлардан, давлат томонидан бериладиган турли имтиёз ва қулайликлардан фойдаланиш механизмларини Ўзбекистон шароитида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Табиий-иқтисодий салоҳиятни таҳлил қилиш жараёни уларнинг ҳозирги ҳолати ва самарали фойдаланиш даражасини баҳолаш орқали ишлаб чиқаришга жалб қилиш механизмларини ўз ичига олади. Бу борадаги мунозара ва илмий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотда минтақа салоҳиятини таҳлил қилишнинг услублари таклиф этилган (3-расм).

3-расм. Минтақалар салоҳиятини таҳлил қилиш услублари [10]

Салоҳиятни баҳолашда турли миқдорий ва сифат кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, салоҳият турларини қиёсий таққослашда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари, инфратузилма объектларининг жойлашуви ва ривожланиш даражаси, меҳнат ресурслари, қишлоқ хўжалик ва минерал хом ашё, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва уларнинг чегараларини белгиловчи кўрсаткичлар тизими муҳим аҳамиятга эга.

Чўл ҳудудлари мавжуд минтақалар, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда туманлар даражасида ҳар бир салоҳият тури ва уларнинг умумлашган индексларини аниқлаш услуби бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилган. Ушбу индекс услубидан салоҳиятдан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, мавжуд муаммолар ва эртанги истиқболини белгилашда амалиётда қўллаш мумкин.

[10] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Муаллиф фикрича, табиий-иқтисодий салоҳиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш натижалари, инновацион ютуқларни ҳисобга олган ҳолда улардан оқилона фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқишни тақазо қилади. Ушбу концепциянинг асосий мақсади минтақа иқтисодиёти тармоқлари ва секторларини ривожлантиришни муқобил йўлларини асослаш, ишлаб чиқаришни самарали жойлашувини аниқлашдан иборат.

Илмий-тадқиқотда чўл ҳудудлари мавжуд минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини баҳолаш услублари ўзаро боғлиқ босқичларда ишлаб чиқилган. Биринчи босқичда, чўл зонасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва бошқа минтақалардан фарқи ўрганилади. Иккинчи босқичда, туманлар даражасида иқтисодий ўсишни таққослаш, мавжуд таркибий ва институционал муаммолар, уларни келтириб чиқарувчи омиллар аниқланади. Учинчи босқичда, мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолатни чуқурроқ ўрганиш мақсадида монографик тадқиқот, яъни сўровнома асосида салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги, аҳоли турмуш даражасидаги муаммо ва табақалашув таҳлил қилинади. Сўнгги босқичда, чўл зонасидаги экологик вазиятнинг нобарқарорлигини эътиборга олган ҳолда, чўллашув жараёни, иқлим ўзгаришининг таъсири, тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммолари ўрганилади.

Минтақаларда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг барчасини расмий статистик маълумотлар орқали баҳолаб бўлмайди. Шу сабабли, минтақавий диагностика услубини кенг қўллаш натижасида жойлардаги вазиятни янада чуқурроқ ўрганиш, айниқса ижтимоий соҳадаги муаммо ва камчиликларни аниқлаш имконияти туғилади. Диагностика услубида маълумотлар бевосита аҳоли яшаш жойларида махсус ишлаб чиқилган эксперт сўровлари асосида тўпланади ва таҳлил қилинади.

Мамлакат миқёсида ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси, концепция ва мақсадли дастурларни амалга ошириш самарадорлиги кўп жиҳатдан уларни минтақа даражасида асосланиши билан белгиланади. Бунда, минтақаларнинг ўзига хос табиий-иқтисодий салоҳиятини эътиборга олиш керак. Ўз навбатида, минтақа ва айрим табиий-иқтисодий зоналарнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш заруриятини қуйидагилар билан асосолаш мумкин:

- бозор иқтисодиёти шароитида турли тармоқлар ва соҳалар мулкчилик шакллари билан минтақалар манфаатларини мувофиқлаштириш;
- минерал хом ашё, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, кадрларни тайёрлаш, атроф муҳит муаммоларини асосан ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган режалар асосида ҳал қилиш;
- минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, хориж инвестицияларини олиб кириш, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва асослашда стратегик йўналишнинг мавжудлиги;
- минтақалараро ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги тафовутларни камайтириш ва бошқаришнинг долзарблиги;
- минтақаларни ривожлантириш прогнозларини, мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда устувор йўналишларни олдиндан аниқлаб олинганлиги.

Умуман олганда, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси мамлакат миқёсида ишлаб чиқилган стратегиянинг бир қисми бўлиб, ягона тизимни ташкил қилади (4-расм).

Минтақаларни мажмуали барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қуйидаги назарий ғояларга асосланган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, барча минтақалар ўз ривожланишини мамлакатда амалга оширилаётган ягона иқтисодий макон ва сиёсат, миллий манфаатларининг устуворлигидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади.



4-расм.Республика бошқарув тизимида минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси, дастурлари ва режаларининг ўзаро боғлиқлиги[11]

Иккинчидан, маҳаллий шароитларнинг ва табиий-иқтисодий салоҳиятнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш.

Учинчидан, барча минтақалардаги ички имконият ва ресурслардан самарали фойдаланиш учун қулай шарт-шароит яратиш, бозор механизмларидан кенг фойдаланиш, айрим ҳудудларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Тўртинчидан, минтақаларни мажмуали ривожлантиришда давлат, тармоқ ва ҳудуд манфаатларининг уйғунлигини таъминлаш.

[11] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Бешинчидан, аҳоли қайси минтақада яшашидан қатъий назар, нисбатан бир хил турмуш шароитини таъминлаш.

Олтинчидан, минтақаларни ўзаро бир-бирига боғловчи ягона инфратузилма тизимини шакллантириш.

Чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларнинг мамлакат иқтисодиётида ўзига хос ўрни ва салоҳияти бор (1- жадвал).

1-жадвал

Чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни (фоиз)[12]

Кўрсаткичлар	2000 йил		2010 йил	
	Чўл ҳудудлари мавжуд минтақалар	Бошқа минтақалар	Чўл ҳудудлари мавжуд минтақалар	Бошқа минтақалар
Ялпи ҳудудий маҳсулот	42,4	46,8	37,6	41,4
Саноат маҳсулоти	52,9	46,0	37,9	53,1
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	63,2	36,8	61,3	38,7
Истеъмол товарлари	46,9	53,1	29,0	71,0
Инвестиция	56,6	43,3	53,6	45,6
Товар айрбошлаш	37,9	57,3	41,9	58,1
Пуллик хизматлар	37,3	57,8	34,2	58,5
Экспорт	52,1	46,6	34,0	60,2

Макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлилига кўра, сўнгги ўн йилда чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни маълум даражада камайиш тенденциясини кузатиш мумкин. Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулотларнинг улуши 42,4 фоиздан 37,6 фоизга, саноатда 52,9 фоиздан 37,9 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 46,9 фоиздан 29,0 фоизга, экспортда 52,1 фоиздан 34,0 фоизга камайган.

Бунинг асосий сабабини минтақаларда мавжуд саноат корхоналари салоҳиятидан тўлиқ фойдаланмаслик, янгиларини ишга туширишда фаолликнинг етишмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Лекин шунга қарамасдан, чўл зонасининг мамлакат иқтисодиётида ва бошқа минтақаларга нисбатан қишлоқ хўжалиги (61,3 фоиз) ва инвестициялар (53,6 фоиз) бўйича ўсиш суръатлари юқорилигича сақланиб қолган.

2000-2010 йилларда чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларда аҳоли жон бошига ривожланиш индекси (мамлакат бўйича индекс 1,0 деб қабул қилинган) қишлоқ хўжалиги (2000 йил 1,103 ва 2010 йил 1,133), инвестициялар (0,934 ва 1,144), товарайирбошлаш (0,641 ва 1,048), пуллик хизматлар (0,571 ва 0,960) соҳасида ижобий силжишларга эришилган. Бошқа соҳа кўрсаткичлари бўйича (саноат, истеъмол товарлари, ялпи ҳудудий маҳсулот) эса пасайган. Аҳоли жон бошига ҳисобланган кўрсаткичлар бўйича чўл ҳудудлари мавжуд минтақалар

[12] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

билан бошқа минтақалар ўртасидаги тафовут сақланиб қолмоқда. Айниқса, бу тафовут ички истеъмол талабини белгиловчи товарайирбошлаш (1,6 марта), пуллик ҳизматлар (1,7 марта) ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда (2,0 марта) юқори даражада бўлиб, мазкур минтақаларда аҳоли турмуш даражаси нисбатан орқада қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Чўл ҳудудлари мавжуд минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳам маълум тафовутлар мавжуд (2-жадвал).

2-жадвал

Минтақаларда аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси[13] 2005 йилни киритсачи?

Минтақалар	2000 йил		2010 йил	
	Мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши, фоиз	Ҳудудий маҳсулот индекси	Мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши, фоиз	Ҳудудий маҳсулот индекси
Ўзбекистон Республикаси	100	1,000	100	1,000
I. Чўл ҳудудлари мавжуд минтақалар				
Қорақалпоғистон Республикаси	2,7	0,456	2,2	0,387
Бухоро вилояти	6,4	1,109	5,5	0,949
Жиззах вилояти	2,9	0,742	2,2	0,562
Навоий қилояти	3,3	1,039	5,3	1,744
Самарқанд вилояти	7,9	0,709	6,2	0,553
Сурхондарё вилояти	5,2	0,716	3,6	0,486
Сирдарё вилояти	2,1	0,807	1,6	0,638
Қашқадарё вилояти	7,0	0,722	7,9	0,842
Хоразм вилояти	4,9	0,892	3,1	0,564
Жами ўртача	**42,4**	**0,799**	**37,6**	**0,747**
II.Бошқа минтақалар				
Андижон вилояти	8,3	0,911	6,0	0,654
Наманган вилояти	5,4	0,667	3,9	0,487
Тошкент вилояти	9,7	1,040	9,0	0,977
Фарғона вилояти	10,3	0,941	6,6	0,603
Тошкент шаҳри	13,1	1,563	15,9	1,985
Жами ўртача	**46,8**	**1,024**	**41,4**	**0,941**
Тафовут даражаси (марта)		**1,3**		**1,3**

Агарда чўл ҳудудлари мавжуд бўлган ва бошқа минтақалар орасида ўртача аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулотдаги тафовут 2000-2010 йилларда 1,3 мартани ташкил этган бўлса, мамлакатнинг барча минтақалари бўйича ўзаро тафовут 2010 йилда 5,1 мартани ташкил қилган. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот индекси 2000 йилда 2010 йилга нисбатан ўрганилаётган минтақаларда (Навоий ва Қашқадарё вилоятларидан ташқари) пасайиш холати кузатилган.

Тадқиқотда чўл ҳудудлари жойлашган минтақалардаги туманлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва муаммоларни аниқлаш бўйича чуқур таҳлиллар амалга оширилган. Жумладан, туманлараро аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизматлар соҳаси ривожланишини таҳлил қилиш натижасида улар ўртасида катта тафовутлар борлиги аниқланган (3-жадвал).

Туманлар ўртасида саноат ривожланишидаги энг юқори тафовут 2010 йилда Қашқадарё (352,7 марта), Бухоро (298,4 марта) вилоятларида ва

[13] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Қорақалпоғистон Республикасида (105,1 марта) кузатилган. Қишлоқ хўжалигида ушбу ҳолатни Қорақалпоғистон Республикаси (5,7 марта), Қашқадарё (3,5 марта) ва Навоий (3,3 марта) вилоятларида, хизматлар соҳасида Бухоро (57,1 марта), Қашқадарё (11,9 марта) ва Сурхондарё (4,2 марта) вилоятларида юқори тафовут мавжуд. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги бундай катта тафовут яна бир бор чўл зонасида ўзига хос вазият мавжудлигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳолатни ижтимоий барқарорликка салбий таъсири мавжуд.

Минтақаларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таҳлил қилишнинг учинчи босқичи сифатида таклиф этилган диагностика услуби амалиётда қўлланилган ва эксперт-сўровлари ўтказилган.

3-жадвал

Чўл зонасида туманлараро аҳоли жон бошига маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги тафовутлар (марта)[14] жадвал таҳлили нимага?

№	Минтақалар	Саноат		Қишлоқ хўжалиги		Хизматлар	
		2000 й	2010 й	2000 й	2010 й	2000 й	2010 й
1	Қорақалпоғистон Республикаси	155,3	105,1	4,0	5,7	4,1	3,4
2	Бухоро вилояти	879,1	298,4	3,3	4,2	35,6	57,1
3	Жиззах вилояти	26,9	23,7	2,4	2,9	4,8	3,7
4	Навоий вилояти	13,8	6,4	4,3	3,3	2,8	3,7
5	Самарқанд вилояти	157,1	8,4	1,1	3,3	2,7	2,7
6	Сирдарё вилояти	15,7	8,2	3,5	2,0	2,3	2,7
7	Сурхондарё вилояти	31,1	61,1	2,1	3,2	8,8	4,2
8	Қашқадарё вилояти	1371,4	352,7	2,8	3,5	15,2	11,9
9	Хоразм вилояти	3,9	3,4	1,9	2,3	1,8	1,8

Экспертлар сифатида ҳокимлик идоралари мутахассислари, тадбиркорлар, профессор-ўқитувчилар, маҳаллий бошқарув идоралари раҳбарлари ва фаоллар иштирок этганлар. Сўровнома натижаларига кўра, кўпчилик респондентлар туманларда саноат корхоналарини жойлаштириш ва ривожлантиришда жиддий муаммолар борлигини, хизмат соҳаларини, айниқса, қишлоқ жойларда талабга жавоб бермаслигини, чўл зонасида қишлоқ хўжалиги ривожланишида ер ва сув ресурсларининг чекланганлигини, аҳоли турмуш даражасининг ўртача ва пастлигини, энг долзарб муаммо – аҳоли бандлигини таъминлаш зарурлиги, хорижий ва маҳалий инвесторларни жалб қилишни фаоллаштиришнинг муҳимлиги, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш долзарблигини таъкидлаб ўтганлар.

Умуман, ижтимоий-иқтисодий вазият таҳлили шуни кўрсатадики, эришилган натижалар билан бирга, кўп жиҳатдан минтақаларнинг табиий-иқтисодий ўсиши ва аҳоли турмуш даражаси билан салоҳият ўртасида номутаносиблик сақланиб қолмоқда.

Чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳияти бошқа минтақалардан кескин фарқланади. Мамлакат ҳудудининг асосий

[14] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

қисмини ташкил этган ушбу минтақаларда минерал хом ашё ресурсларининг 91,0 фоизи, ёқилғи ресурсларининг 79,7 фоизи, металларнинг 91,0 фоизи ва кимё саноати хом ашё ресурсларининг 92 фоизи жойлашганлигини ҳисобга олсак, салоҳиятнинг нақадар бойлигини қўриш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятларига кўра фарқланиши (2010 й., фоиз)[15]

№	Кўрсаткичлар	Чўл ҳудудлари мавжуд минтақалар	Бошқа минтақалар
1	Ҳудудлар майдони	92,5	7,5
2	Экин майдони	76,2	23,8
3	Суғориладиган майдон	71,2	28,8
4	Аҳоли сони	53,1	46,9
5	Меҳнат ресурслари	53,4	46,6
6	Минерал хом ашё ресурслари	91,0	9,0
	- ёқилғи ресурслари	79,7	20,3
	-металлар	91,0	9,0
	- кимёвий хом ашё	92,0	8,0

Мавжуд ер фонди агроиқлим салоҳияти минтақаларда пахтачилик, сабзовотчилик, айниқса чорвачилик, қоракўлчилик билан шуғулланишга кенг имконият беради. Келгусида газ захиралари ўсишининг асосий манбаи сифатида қаралаётган Устюрт ҳудудида мазкур йўналишдаги геология-қидирув ишларига 2012-2016 йилларда 3,5 млрд. АҚШ доллари сарфлаш мўлжалланган. Минтақалар ҳудудида мавжуд бўлган ноёб ва рангли металлар (уран, олтин, кумуш, мис, қўрғошин, рух, вольфрам ва бошқ.) ҳамда нисбий рақобат афзалликларига эга бўлган кимё саноати хом ашё захиралари (фосфорит, тош ва ош тузлари, каолин, марганец ва бошқ.) металлургия, кимё саноати корхоналарини жойлаштириш ва ривожлантириш имкониятини беради.

Чўл зонасининг энг асосий бойлиги ҳисобланган газ ва нефть захиралари асосан Қашқадарё, Бухоро, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида жойлашган. Мазкур захираларни ўзлаштириш мақсадида республикада 2005-2020 йилларга мўлжалланган геология-қидирув ишларини амалга ошириш дастури ишлаб чиқилган. Ушбу хом ашё захираларини ўзлаштириш ва янгиларини топиш илғор фан-техника ютуқларига асосланган ҳолда ишларини ташкил этишни талаб қилади.

Ёқилғи захираларини ҳисобга олмаган ҳолда, минтақаларда минерал хом ашё ресурслари салоҳияти бўйича олдинги ўринларни Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси эгаллайди (5-жадвал).

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур минтақаларда минерал хом ашё захира конларидан фойдаланиш даражаси паст бўлиб, бу кўрсаткич Сурхондарё

[15] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ва Геология ва минерал ресурслари давлат қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган..

вилоятида 44,8 фоизни, Самарқанд вилоятида 47,2 фоизни ва Қорақалпоғистон Республикасида 48,5 фоизни ташкил этади.

Чўл зонасида сув ва ер ресурслари қишлоқ хўжалик тараққиёти ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашнинг муҳим омиллари ҳисобланади. Сув баланси ҳисоб-китобларига кўра, 2025 йилда чўл зонасида сувга бўлган талабни қондириш даражаси 70-80 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда. Чўллашув жараёнининг кучайганлиги, сув манбалари бўлмиш қудуқларнинг тўлиқ ишламаслиги, аксарияти ташландиқ ҳолга келиб қолганлиги, ем-хашак захираларининг камайганлиги чорвачилик (қоракўлчилик, туячилик) тармоғини барқарор ривожланланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

5-жадвал

Чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларда минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ҳолати, (2010 йил)[16]

Минтақалар	Минерал хом ашё ресурслари сони		Шу жумладан:						Асосий йўналишлар
			Металлар		Нометаллар		Гидроминераллар		
	Жами	Фойдалан моқда	Жами	Фойдалан моқда	Жами	Фойдалан Моқда	Жами	Фойдалан моқда	
Қорақалпоғистон Республикаси	68	33	-	-	50	22	18	11	Кимё, қурилиш материаллари.
Бухоро вилояти	49	30	3	1	35	20	11	9	Кимё, қурилиш материаллари.
Жиззах вилояти	67	38	11	7	39	15	17	16	Рангли металл, қурилиш материаллари
Навоий вилояти	165	68	70	14	72	34	23	20	Рангли металл, кимё, қурилиши
Самарқанд вилояти	110	52	20	9	75	28	15	15	Рангли металл, кимё, қурилиш
Сирдарё вилояти	18	9	-	-	9	2	9	7	Қурилиш материаллари
Сурхондарё вилояти	58	26	11	-	38	16	9	8	Рангли металл, қурилиш, кўмир
Қашқадарё вилояти	71	29	2	1	58	20	11	7	Кимё, қурилиш материаллари
Хоразм вилояти	20	7	-	-	15	2	5	5	Қурилиш материаллари
Чўл зонаси	**626**	**292**	**117**	**35**	**391**	**159**	**118**	**98**	-
Ўзбекистон Республикаси	**1004**	**437**	**187**	**66**	**608**	**254**	**205**	**184**	-

Шу сабабли сув танқислигининг олдини олиш учун аниқ чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш орқали қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга эришиш мумкин.

Келажакда (2012-2020 йиллар) деярли барча минтақаларда аҳоли ва меҳнат ресурслари ўсишининг нисбатан юқорилиги сақланиб қолади. Шу боис, келгусида чўл зонасининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш кўп жиҳатдан демографик салоҳиятдан унумли фойдаланишга боғлиқдир.

Минтақаларни табиий-иқтисодий салоҳияти ва ривожланиш даражаларини таклиф этилган индекс услублари бўйича баҳолаш мамлакат, хусусан чўл зонасининг узоқ муддатли барқарор ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишда самарали бўлади. Чунки, шу орқали тегишли кўрсаткичларни таҳлил

[16] Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслари давлат қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

қилиш минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ўзида тўлароқ акс эттиради (6-жадвал).

Тадқиқот даврида шу йўл билан минтақалар ва туманларнинг табиий-иқтисодий салоҳияти ва ривожланиш даражалари таҳлил этилганда, чўл зоналари мавжуд минтақаларнинг бошқа минтақаларга нисбатан аҳоли жон бошига саноат, хизмат кўрсатиш, сув, ер ва меҳнат ресурслари улуши камлиги ҳамда табиий-иқлим шароити салоҳиятининг пастлиги аниқланди.

6-жадвал

Чўл ҳудудлари мавжуд минтақалардаги табиий-иқтисодий салоҳиятни индексли баҳолаш (2000-2010 йй.)[17] таҳлили қандай?

Ҳудудлар	Саноат маҳсулотлари	Қишлоқ хўжалиги	Хизмат кўрсатиш	Ишлаб чиқариш инфратузилмаси	Ижтимоий инфратузилма	Сув ресурслари	Ер ресурслари	Минерал хом ашё ресурслари	Меҳнат ресурслари	Табиий-иқлим шароити	Индекслар йиғиндиси	Ўртача индекс
Қорақалпоғистон Республикаси	0,218	0,479	0,395	0,618	0,977	0,330	0,300	1,445	0,947	0,657	6,366	0,637
Бухоро вилояти	0,874	1,453	0,984	1,040	1,051	1,030	0,970	3,279	0,850	0,610	12,141	1,214
Жиззах вилояти	0,345	1,351	0,470	0,880	0,908	0,930	1,250	0,091	0,918	1,121	8,264	0,826
Навоий вилояти	4,020	1,299	0,848	1,051	1,047	0,740	0,820	1,692	0,364	0,681	12,562	1,256
Самарқанд вилояти	0,375	1,153	0,791	1,128	0,930	2,000	1,310	0,107	1,613	1,037	10,444	1,044
Сирдарё вилояти	0,434	1,466	0,476	1,532	1,074	0,550	1,720	0,009	0,377	1,111	8,749	0,875
Сурхондарё вилояти	0,264	1,162	0,436	0,729	0,809	0,980	0,870	0,586	0,940	0,807	7,583	0,758
Қашқадарё вилояти	1,196	0,933	0,476	0,685	0,856	0,700	0,730	3,018	1,294	0,726	10,614	1,061
Хоразм вилояти	0,345	1,174	0,741	1,573	1,058	0,950	0,930	0,005	0,771	0,911	8,458	0,846
Чўл зонаси	**0,897**	**1,163**	**0,624**	**1,026**	**0,968**	**0,912**	**0,989**	**1,137**	**0,897**	**0,851**	**9,465**	**0,946**
Андижон вилояти	1,168	1,064	0,935	1,588	0,909	1,470	1,080	0,035	1,241	1,338	10,828	1,083
Наманган вилояти	0,321	0,906	0,616	1,500	0,955	1,250	0,920	0,235	1,094	1,333	9,130	0,913
Тошкент вилояти	1,494	1,312	0,676	1,893	0,994	1,060	1,480	1,183	1,169	1,346	12,607	1,261
Фарғона вилояти	0,919	0,846	0,745	1,645	0,975	1,080	0,810	0,264	1,335	1,328	9,947	0,995
Бошқа минтақалар	**0,976**	**1,032**	**0,743**	**1,657**	**0,958**	**1,215**	**1,073**	**0,429**	**1,210**	**1,336**	**10,628**	**1,063**
Ўзбекистон Республикаси	**1,000**	**1,000**	**1,000**	**1,000**	**1,000**	**1,000**	**1,000**	**1,000**	**1,000**	**1,000**	**10,000**	**1,000**

Жадвалдан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон Республикаси табиий-иқтисодий салоҳиятининг асосий қисми (52,3 фоиз)ни минерал хом ашё, меҳнат ресурслари ва ижтимоий инфратузилма салоҳиятлари ташкил этади. Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида мавжуд салоҳиятнинг асосий қисми (26,7 ва 28,5 фоиз) минерал хом ашё ресурслари салоҳиятидан, Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалиги, ер ва сув ресурслари салоҳиятларидан (45,9 фоиз) иборат эканлиги аниқланган.

Таҳлилларга кўра, табиий-иқтисодий салоҳияти юқори бўлган I гуруҳга кирувчи Бухоро (1,21), Навоий (1,27), Қашқадарё (1,06) ва Самарқанд (1,04), вилоятларида жами чўл зонаси салоҳиятининг 53,7 фоизи, мамлакат салоҳиятининг 35,8 фоизи тўпланган. Табиий-иқтисодий салоҳияти жиҳатидан

[17] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ўртача бўлган II гуруҳга мансуб минтақалар қаторига Сирдарё (0,88), Хоразм (0,85) ва Жиззах (0,83) вилоятлари кирган бўлиб, уларнинг салоҳияти чўл зонаси салоҳиятининг 25,5 фоизини, республика салоҳиятининг 19,9 фоизини ҳамда III гуруҳга кирувчи Қорақалпоғистон Республикаси (0,64) ва Сурхондарё (0,76) вилояти чўл зонаси салоҳиятининг 13,9 фоизини, умумий салоҳиятнинг 10,9 фоизини ташкил этган.

Чўл ҳудудлари мавжуд минтақалардаги туманлар доирасида табиий-иқтисодий салоҳиятлар таҳлили вилоятлар даражасидаги салоҳиятлар индексига нисбатан юқори тафовутга эгалигини кўрсатди. Жумладан, Қоровулбозор тумани табиий-иқтисодий салоҳиятлари ўртача индекси 10,2 ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич Муборак (5,27), Хўжайли (0,59), Тахтакўпир (0,60), Қумқўрғон (0,71) ва Фориш (0,73) туманлари салоҳиятларидан кескин фарқланади.

Тадқиқотда чўллашув жараёни, иқлим ўзгариши, Орол денгизи инқирози, ер ва сувнинг сифат даражаси пастлиги ва бошқа экологик омилларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга боғлиқлиги ўрганилган. Шу ўринда, минтақалар, хусусан чўл ҳудудлари мавжуд минтақалар табиий-иқлим шароити салоҳияти (0,85) ўрганилганда чўл зонаси иқтисодиётини ривожлантиришга нисбатан бошқа минтақалар (1,34) да бирмунча юқори салоҳиятлар мавжудлиги тасдиқланди. Шу боис, ушбу омилларнинг келажакда асосан, қишлоқ хўжалиги ривожланишига, пировардида аҳоли турмуш даражасига таъсирини ҳисобга олиш зарурлиги моҳиятан очиб берилган.

Мамлакат минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, хусусан чўл зонаси табиий-иқтисодий салоҳиятларидаг самарали фойдаланишнинг ташкилий, иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўналишларини белгилаш учун ижтимоий сўровлари (анкета сўровномаси)дан фойдаланилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотда чўл зонаси табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ички омиллари ва шарт-шароитларининг таҳлили эксперт сўров усуллари орқали мазкур минтақалар доирасида амалга оширилди. Шунингдек, сўровномада респондентлар учун минтақаларда иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши ва амалга оширилаётган ташкилий, иқтисодий чора-тадбирларнинг нечоғлик самарали эканлиги тўғрисида ўз фикрларини эркин ифода этишлари учун шароит яратилди.

Эксперт сўрови натижаларига кўра, чўл зонасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланишини ижобий баҳолаган 76 фоиз, ўзгаришсиз қолганлигини 24 фоиз экспертлар билдирганлар. Бу кўрсаткичлар мос равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда (71,5; 28,5), аҳоли турмуш даражаси (62,0; 38,0), табиий ва минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ҳолати (82,0; 18,0) ва хизмат кўрсатиш соҳасида (35; 65) фоизларни ташкил қилади. Бундан деярли барча кўрсаткичлар бўйича ўртача ривожланиш юқори эканлиги аниқланиб, хизмат кўрсатишда ривожланиш ўзгаришсиз қолаётганлиги кўриш мумкин **(**5-расм**).**

Сўровнома натижасида олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларнинг меҳнат ресурсларидан самарали

фойдаланиш, табиий ва минерал хом ашё, сув ва ер ресурслари ҳажми жиҳатидан чеклангланлигини эътиборга олиш зарурлиги, чорвачиликни ривожлантириш учун яйловлар захираларининг мавжудлиги, қишлоқ хўжалиги ва унинг чорвачилик тармоғи маҳсулотлари: сут маҳсулотлари, жун, қоракўл терини қайта ишлаш бўйича улкан имкониятлар борлиги яъни, табиий-иқтисодий салоҳиятлардан фойдаланиш захиралари юқори эканлиги ва бу борада ҳали имкониятлар тўлиқ ишга солинмаганлиги аниқланди.



5-расм. Чўл зонасида иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши ҳамда табиий ва минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланиш даражаси [18] таҳлили?

Эксперт сўрови таҳлили жараёнида мавжуд салоҳиятлардан самарали фойдаланишнинг ташкилий, иқтисодий механизмларини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш билан узвий боғлиқ бўлган бандлик масалалари, айниқса, ёшларни доимий иш ўрни билан таъминлаш, шунингдек, аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофазасига, яъни таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамда газ, ичимлик суви билан таъминланиш ҳолати, атроф-муҳит мусаффолиги, экологик масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу сўровнома орқали мавжуд салоҳиятлардан самарали фойдаланиш, минтақаларда амалга оширилаётган мақсадли давлат дастурларининг бажарилиши муаммолари бўйича айрим маҳаллий бошқарув идоралари раҳбарлари ва мутахассисларининг билимлари етарли эмаслиги жойларда кадрларни танлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларига устувор даражада ёндашиш зарурлигини кўрсатади.

Бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бу, мамлакатда, айниқса, чўл зонасида чўллашув жараёнининг давом этаётганлиги ҳисобланади. Шу боис, мазкур минтақаларда чўллашув жараёни кечишини таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида зарурий чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

Сўнгги вақтларда глобал иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларини ўрганиш дунё олимларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати маркази, алоқадор вазирлик, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари мутахассислари томонидан Халқаро чўллашувга қарши

[18] Сўровнома натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

курашиш конвенцияси асосида Ўзбекистон Республикасида чўллашувга қарши курашиш миллий дастурининг ишлаб чиқилиши ана шу йўналишдаги тадқиқотларнинг самарасидир.[19] Дастур маълумотларига таянган ҳолда, қурғоқчилик ҳудудларда турли омиллар таъсири натижасида ерларнинг ишдан чиқиши, яъни ерлар деградацияси (чўллашув) рўй бераётганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон шароитида ҳам чўллашув жараёни асосан қуйидаги бир қатор омиллар: табиий ресурслардан интенсив фойдаланиш, ерларнинг иккиламчи шўрланиши, яйловларда меъёрдан ортиқча чорва молларини боқиш, бутазор ҳамда бошқа ўсимликлардан ёқилғи сифатида фойдаланиш ва бошқалар асосида юз бермоқда. Чўллашув жараёнига сув ресурсларининг чекланганлиги ва сифати ёмонлашуви ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Чўллашув жараёнини ташкил қилувчи омиллар қаторига сув, шамол ва тупроқ эрозиясини ҳам киритиш мумкин. Мамлакатимиз суғориладиган ерларининг 15 фоизи шамол ва 8 фоизи сув эррозиясига учраган. Кучли чўллашув жараёни кечаётган минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятлари ҳисобланади.

Яйловлардан интенсив фойдаланиш ва алмашиб туриш жараёнига риоя қилмаслик натижасида озуқа захиралари сўнгги 15-20 йил ичида кескин камайиб кетган. Гидрометеорология хизмати маркази маълумотларига кўра, 2030-2050 йилларга бориб, ҳаво ҳароратининг ошиши ҳисобига чўл зонаси табиий яйловларида озуқа захираси 30-35 фоиз, Қизилқумда 20-26 фоизга камайиши кутилмоқда. Чўл яйловларидаги оқсаксовул ҳосилдорлиги 1,9-2,9 ц/га ва бошқа ерларда 1,7-1,8 ц/га ни ташкил этади. Бу озуқа захираларига бўлган талабни тўла қондира олмайди.

Собиқ Иттифоқ даврида Амударё ва Сирдарё сувларидан тежамли ва оқилона фойдаланмаслик Орол денгизи муаммосини келтириб чиқарди. Сирдарё ва Амударёда тўпланган тузларнинг умумий миқдори 1960 йиллардаги 55-60 млн. тоннадан 2000 йиллар бошида 140 млн. тоннага ошган. Фақат Қорақалпоғистон Республикасида ерларнинг шўрланиши 2000 йилга келиб 90 фоиздан ортиқроқни ташкил этган.[20]

Оролбўйи ҳудудида экологик вазиятнинг ёмонлашуви минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш шароити ва соғлиғига, биологик хилма-хилликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, Орол муаммосини фақат экологик ёки сув танқислиги нуқтаи назаридан эмас, балки глобал муаммолар қаторида баҳолаб, уни ҳал этиш туб ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларни, шунингдек, катта миқдордаги капитал маблағлар сарфланишини талаб этади.

Гидрометеорология хизмати маркази маълумотларига кўра, 1961-1990 йилларга нисбатан 1976-2010 йилларда ўртача ҳарорат мамлакатда 0,5°С, 1996-2010 йиллар орлиғида ўртача 1,2°С гача ошган. Ўзбекистонда ўртача йиллик

---

[19] ЮНЕП. Главгидромет. Национальная программа действий по борьбе с опустыниванием в Республике Узбекистан. – Т.: 1999. -С.130.

[20] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган нутқи // “Халқ сўзи”, 2009 йил 30 апрель.

ҳаво ҳарорати 2030 йилда 1,2-1,8°С, 2050 йилда 2,0-2,8°С, 2080 йилда эса, 4,0°С га ошиши мумкин. Чўл зонасида тоғолди ҳудудларига нисбатан ҳароратнинг кўпроқ ошиши, ёғингарчилик миқдорининг эса камайиши кутилмоқда.

Шу нуқтаи назардан иқлим ўзгаришининг минтақалар иқтисодиётига, энг аввало, қишлоқ хўжалик соҳасига таъсири ўрганилди ва таҳлиллар натижаси умумлаштирилди (7-жадвал).

7-жадвал

Иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига таъсири [21]

Ижобий таъсири	Салбий таъсири
- ҳаво таркибида углерод оксиди миқдорининг ортиши ҳисобига экинлар ва яйлов ўсимликлари ҳосилдорлиги ошади; - чорва қишлови мавсумида қулай шароит юзага келади; - экинлар ўсиш даврининг (вегетация) қисқариши ҳисобига эртапишар экинлар ҳосилдорлиги ортади ва сифати яхшиланади; - иссиқлик миқдорининг етарли даражада бўлиши иссиқсевар ўсимликларни етиштириш имконини беради; - ерлардан бир неча марта ҳосил олиш имконияти пайдо бўлади.	- чўлларда туз кўчиш жараёнининг кучайиши ва ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви кузатилади; - сув ресурслари танқислиги ва сифатининг ёмонлашувига ҳамда экинлар суғориш меъёрининг ўсишига олиб келади; - ер майдонлари шўрланиш даражасининг ошиши, унинг шамол ва сув эрозиясига учраши натижасида ҳосилдорлик камаяди; - яйловлар ҳосилдорлиги пасайиши ҳисобига чорвачилик озуқа базаси ва чорва моллари маҳсулдорлигининг камайишига олиб келади; - ёввойи зараркунанда ўсимликлар тарқалиш хавфи кучаяди.

Хулоса ўрнида, таъкидлаш жоизки, чўл зонасида экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига умумдавлат масаласи сифатида қаралиши лозим бўлиб, мазкур минтақаларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурларида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш, чўллашув жараёнининг олдини олиш ва экологик вазиятнинг барқарорлашувига эришиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқотда асослаб берилган назарий ва услубий ёндашувлар, чуқур таҳлиллар натижасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тендециялари, муаммолари ва тафовутлари, табиий-иқтисодий салоҳиятнинг ўзига хос ҳусусиятлари, улардан фойдаланиш самарадорлиги ва рақобат афзалликлари, келажакда вужудга келиши мумкин бўлган иқтисодий ва экологик таҳдидлар ва уларнинг салбий оқибатлари чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларни барқарор ривожланишининг ягона стратегиясини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Ушбу устувор йўналишларга асосланган стратегияни ишлаб чиқишда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг энг муҳим истиқболлари ва устувор йўналишларини

[21] Ўзбекистон Гидрометеорология илмий тадқиқот институти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

белгилаб олар эканмиз, биз ички эҳтиёжнинг ўсишига алоҳида эътибор қаратишимиз керак бўлади”.[22]

Салоҳиятдан самарали фойдаланиш, барқарор иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи ташқи ва ички омиллар ҳамда келажакда амалга оширилиши мўлжалланаётган инвестицион лойиҳаларни эътиборга олган ҳолда, чўл ҳудудлари мавжуд минтақалари ривожланиш стратегиясининг сценарий ва вариантлари ишлаб чиқилган (8-жадвал).

8-жадвал

Чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларнинг иқтисодий ўсиш сценарий ва вариантлари[23]

(2012-2020 йилларда ЯҲМ ўртача йиллик ўсиш суръатлари)

Минтақалар	I сценарий		II сценарий	
	1-вариант (инерцион)	2-вариант (мобилизацион)	1-вариант (инерцион)	2-вариант (мобилизацион)
Қорақалпоғистон Республикаси	103,0	106,0	106,0	110,0
Бухоро вилояти	103,0	105,0	105,0	107,0
Жиззах вилояти	104,0	106,0	106,0	109,0
Навоий вилояти	103,0	105,0	105,0	108,0
Самарқанд вилояти	104,0	106,0	106,0	109,0
Сирдарё вилояти	104,0	107,0	107,0	109,0
Сурхондарё вилояти	105,0	107,0	107,0	110,0
Қашқадарё вилояти	103,0	106,0	107,0	111,0
Хоразм вилояти	103,0	106,0	106,0	108,0
Чўл зонаси	103,0	106,0	106,0	109,0
Республика бўйича	104,0	106,0	106,0	108,0

Иқтисодий ўсиш сценарий ва вариантлари минтақаларнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари асосида Кобб-Дуглас функциясидан фойдаланиб ҳамда иқтисодиёт тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги инфратузилма, ижтимоий соҳа) бўйича амалга оширилаётган давлат мақсадли дастурларидан келиб чиқан ҳолда ҳисобланган.

Биринчи сценарийга мувофиқ, ташқи бозор конъюнктурасининг ноқулай бўлиши, иқлим ўзгариши, сув танқислиги, чўллашув жараёнининг кучайиши ва бошқа омиллар таъсирида минтақаларда иқтисодий ўсиш суръатлари аниқланган. Иккинчи сценарий салбий оқибатларнинг нисбатан камлиги, уларга қарши ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилиши натижасида барқарор иқтисодий ўсиш кузатилган.

Таклиф этилаётган муқобил вариантга (II сценарий, 2-вариант) мувофиқ асосий эътибор иқтисодиётни модернизациялаш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, бой табиий-иқтисодий салоҳиятнинг рақобатбардошлик афзалликларидан самарали фойдаланиш,

[22] Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. – Т.: Ўзбекистон. 2010.

[23] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, салбий омиллар ва хатарларга қарши олдиндан чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишга қаратилади.

Ушбу вариантда асосий иқтисодий ўсиш минтақалар доирасида Қашқадарё (ўртача йиллик ўсиш суръати 111,0 фоиз), Сурхондарё (110,0 фоиз) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига (110,0 фоиз) тўғри келади. 2020 йилгача бўлган даврда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши Қорақалпоғистон Республикасида 6,1 марта, Қашқадарё вилоятида 6,5 марта ва Сурхондарё вилоятида 6,2 мартага ошиши башорат қилинган. Минтақаларда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида асосий ўсиш нуқталарининг шаклланиши мўлжалланган (9-жадвал).

9-жадвал

Чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларда келажакда "Иқтисодий ўсиш нуқталари" нинг шаклланиши[24]

№	Минтақалар	Ўсиш нуқтаси (маркази)	Ихтисослашув соҳаси
1	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус ш. Қўнғирот ш. Тахиатош ш. Устюрт	Озиқ-овқат, енгил саноати Кимё мажмуаси Электроэнергетика Газ-кимё мажмуаси
2	Бухоро вилояти	Қоровулбозорт. Бухоро ш.	Нефтни қайта ишлаш Туризм, озиқ-овқат саноати мажмуаси
3	Жиззах вилояти	Жиззах ш. Маржонбулоқ ш.	Кимё, қурилиш материаллари мажмуаси Рангли металлургия мажмуаси
4	Навоий вилояти	Навоий ш. Зарафшон ш. Учқудуқш.	Кимё, қурилиш материаллари мажмуаси Рангли металлургия мажмуаси Рангли металлургия мажмуаси
5	Самарқанд вилояти	Самарқанд ш. Нуробод ш.	Туризм, машинасозлик, озиқ-овқат саноати Электроэнергетика
6	Сирдарё вилояти	Гулистон ш. Янгиер ш.	Озиқ-овқат саноати Қурилиш материаллари
7	Сурхондарё вилояти	Термиз ш. Бойсун ш. Қумқўрғон ш. Шеробод ш.	Транспорт, туризм, озиқ-овқат саноати Кўмир ва газ мажмуаси Транспорт, қурилиш материаллари Қурилиш материаллари
8	Қашқадарё вилояти	Қарши ш. Шўртан ш. Муборак ш. Шаҳрисабз ш.	Озиқ-овқат, қурилиш материаллари Газ-кимё мажмуаси Газ-кимё мажмуаси Туризм, озиқ-овқат саноати мажмуаси
9	Хоразм вилояти	Урганч ш. Хива ш.	Туризм, машинасозлик, озиқ-овқат саноати Туризм, машинасозлик, озиқ-овқат саноати

Ўсиш нуқталари уларнинг қулай транспорт-географик жойлашуви, бой минерал хом ашё ва меҳнат ресурслари, тўғридан-тўғри хориж инвестициялари жалб қилиш ҳисобига шаклланади. Келажакда иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши табиий-иқтисодий салоҳиятдан келиб чиққан ҳолда, аввалambор,

[24]: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

мамлакатимизнинг энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилишга қаратилади. Айниқса, тармоқлар ва тармоқлараро газ-кимё, рангли металлургия, озиқ-овқат, қурилиш материаллари кластерларини шакллантириш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Газ-кимё мажмуаси кластери стратегик аҳамиятга эга бўлган Сургил ва Шўртан газ-кимё мажмуаси, Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш корхонаси, Қўнғирот сода заводи (иккинчи навбати), Муборак газни қайта ишлаш ҳамда Деҳқонобод калий заводи каби минерал ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналари, янги углеводород ва кимё хом ашё конларини ишга тушириш ҳисобига ривожланади.

Рангли металлургия кластери асосан Навоий, Самарқанд, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган корхоналарни реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришга асосланади.

Қурилиш материаллари кластери чўл зонасининг бой табиий захираларига асосланиб, рақобатбардошлик афзалликларига эга бўлган оҳактош, керамзит, цемент, гипс ва бошқа йирик хом ашё конларини ўзлаштиришга қаратилган инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутади. Саноатни устувор ривожлантиришда мамлакатимиз миқёсида биринчи бўлиб ташкил этилган Навоий эркин индустриал иқтисодий зонанинг келгуси истиқболи жуда юқори бўлиб, унда юздан ортиқ инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Чўл зонасида чекланган сув ва суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, ирригация ва мелиорация ишларини фаоллаштиришга қаратилган чоралар озиқ-овқат кластерини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Келажакда Арнасой ва Сардоба сув омборларини қуриш ва кенгайтириш, янги коллектор, дренажлар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш орқали минтақаларда ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш кўзда тутилган.

Чўл зонасида иқтисослашган чорвачиликни ривожлантириш, биринчи навбатда, яйловлардан самарали фойдаланиш ва табиий ем-хашак майдонлари ҳосилдорлигини ошириш орқали қоракўл қўйлар бош сони ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш имкониятлари мавжуд.

Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти маълумотларига кўра, 2,7 млн. гектар сувсиз ерлардаги яйловлардан самарали фойдаланиш асосида қўшимча 900 минг бошдан зиёд қўйларни боқиш, 144 минг дона қоракўл тери олиш, 1,4 минг тонна жун, 10,9 минг тонна гўшт тайёрлаш мумкин.

Келажакда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдан кўзланган асосий мақсад аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган бўлиб, ижтимоий инфратузилмани, хизмат кўрсатиш соҳаларини ва аҳоли даромадининг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашдан иборат бўлиб қолади.

Тадқиқотда чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг устувор йўналишларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги,

“Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали маҳаллий бошқарув идоралари ваколатларини кенгайтириш, минтақаларни инвестицион жозибадорлигини ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда янги ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат соҳаларини жойлаштириш, минтақалараро тафовутларни тартибга солиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қошида Мувофиқлаштириш кенгаши ташкил қилиш каби ташкилий-ҳуқуқий механизмлардан фойдаланиш таклиф этилган.

Чўл ҳудудлари мавжуд минтақалар иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини қуйидаги чора-тадбирлар ташкил қилади:

- ривожланиши орқада қолаётган минтақаларда ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш ва инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар учун имтиёзли кредитлар ва грантлар ажратишни йўлга қўйиш;

- янги энергия манбаларини ривожлантириш, замонавий энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш, энг юқори техника ютуқлари, инновацион лойиҳаларини қўллаш, ноанъанавий манбалардан (шамол ва қуёш энергияси) фойдаланишни янада кенгайтириш;

- газ-кимё, рангли металлургия, қурилиш материаллари, озиқ-овқат мажмуаларини шакллантириш орқали тармоқлараро кластерларга ўтиш ҳамда шу йўл билан рақобатбардошлик ва иқтисодий самарадорликка эришиш;

- Навоий эркин иқтисодий зонасида инфратузилмани ривожлантириш, Бухоро ва Самарқанд эркин сайёҳлик зоналари, шунингдек, Қарши эркин индустриал иқтисодий зонасини янгидан шакллантириш;

- йирик саноат корхоналарини жойлаштиришда демографик ва экологик вазиятларни эътиборга олиш ва экспертизадан ўтказиш;

- минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишнинг ягона услубини тайёрлаш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлаш, мақсадли дастурларда ҳудудлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва маҳаллий шароитини тўла ҳисобга олишни таъминлаш;

- чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларда мураккаб табиий-иқлим шароитига (юқори ҳарорат, ёғингарчилик миқдори камлиги, кучли шамоллар, бўронлар ва бошқалар) эга бўлган ҳудудларни аниқлаш, у ерда яшовчи меҳнаткашлар иш ҳақига устама коэффицентларни қўллаш бўйича ишларни такомиллаштириш.

Суъектив сўровнома натижаларига кўра, чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш механизмлари қаторига солиқ ва кредит имтиёзларидан самарали фойдаланиш, экспорт ва тадбиркорлик учун қулай шароит яратиш, инфратузилма объектларини қуришда давлатнинг ёрдамини кучайтириш ва мазкур йўналишлар бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий **хулосалар** шакллантирилди:

1. Минтақавий иқтисодиёт назариясини ривожлантириш, аввалambор, мустақиллик йилларида мамлакатимизда минтақаларни ривожлантиришдаги тажриба, ютуқлар ва муаммолар асос бўлиб хизмат қилиши, шунингдек, хорижда тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Минтақа фақат маъмурий-ҳудудий чегаралар билан кифояланмасдан, табиий-иқтисодий шароитининг умумийлиги билан ажралиб турадиган субъектлардан ташкил топади. Айниқса, табиий-иқтисодий омил таъсирида шаклланадиган минтақалар (тоғ ва тоғ олди, чўл ва чўл олди зонаси, воҳа ва водийлар) ўзининг табақалашуви билан ажралиб туради. Жумладан, тадқиқот объекти бўлмиш, чўл зонаси ўзининг табиий-иқлим шароити, ер ва сув ресурслари, минерал хом ашё ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Муаллифнинг таърифича, “чўл зонаси – мамлакатнинг айрим маъмурий ҳудудларидан ташкил топган табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий салоҳияти билан ажралиб турувчи, ўзига хос аҳоли жойлашуви ва экологик тизимига эга бўлган минтақасидир”.

2. Чўл зонаси, аввалambор, ўзига хос табиий-иқтисодий салоҳиятга эга бўлиб, тўғридан-тўғри минтақаларнинг барқарор иқтисодий ривожланишига ва аҳоли турмуш даражасига таъсир кўрсатади. Улар қуйидагилардан иборат: иқлим шароитининг ноқулайлиги; чўлга мослашган ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг мавжудлиги; табиий, хом ашё захираларига бойлиги; экологик муаммоларнинг салбий таъсири.

Минтақавий иқтисодиёт назарияси ва тажрибалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, минтақани барқарор ривожлантиришнинг асосини мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш ташкил этади. Шу боис, минтақавий сиёсат мавжуд салоҳиятдан мумкин қадар самарали фойдаланиш, иқлим ва экологиянинг салбий оқибатларининг олдини олиш ва камайтиришга қаратилган.

3. Табиий-иқтисодий салоҳиятни таҳлил қилиш, ундан самарали фойдаланиш даражасини баҳолашнинг турли услублари мавжуд. Тадқиқотда салоҳиятни баҳолашнинг кўрсаткичлар тизими, ҳар бир салоҳият ва уларнинг умумлашган индексларини аниқлаш услуби таклиф қилинган. Ушбу услуб орқали салоҳиятдан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва келажак истиқболини белгилашда фойдаланиш мумкин. Табиий-иқтисодий салоҳиятни таҳлил қилиш натижалари минтақа иқтисодиёти тармоқларини ривожлантиришнинг муқобил йўлларини ва корхоналарни самарали жойлаштиришни асослаб берувчи концепцияни ишлаб чиқишни тақазо қилади. Салоҳиятни баҳолашда монографик кузатув, яъни сўровнома усулини қўллаш бўйича ҳам аниқ таклифлар берилган.

4. Чўл зонаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилишнинг тўртта босқичли услуби ишлаб чиқилган. Биринчи босқичда, чўл зонасини мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва бошқа минтақалардан фарқи; иккинчи

босқичда, туманлар даражасидаги иқтисодий ўсиш омиллари, таркибий ўзгаришлар; учинчи босқичда, сўровнома асосида аҳоли турмуш даражаси ва табақалашув жараёни; тўртинчи босқичда, чўллашув жараёни, иқлим ўзгариши ва бошқа экологик муаммолар ўрганилади.

5. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси мамлакат миқёсида ишлаб чиқилган стратегиянинг бир қисми бўлиб, ягона тизимни ташкил қилади. Чўл зонаси ва унда жойлашган минтақаларни ривожлантириш стратегияси қуйидаги назарий тамойилларга асосланиши мақсадга мувофиқ. Улар мамлакатда ягона иқтисодий макон ва миллий манфаатларнинг устуворлиги, табиий-иқтисодий салоҳиятнинг ўзига хос хусусиятларни эътиборга олиш, давлат томонидан минтақаларни қўллаб-қувватлаш, минтақаларни ўзаро бир-бирига боғловчи инфратузилма объектлари тизимини шакллантириш ва аҳолига қулай турмуш шароити яратишдан иборат.

6. Таҳлилларга кўра, сўнгги ўн йилда чўл зонасининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни маълум даражада камайган. Бунинг асосий сабаби, минтақаларда мавжуд саноат корхоналари салоҳиятидан тўлиқ фойдаланмаслик, янги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаолликнинг етишмаслигидир. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар таҳлили минтақалараро ижтимоий-иқтисодий ривожланишда юқори тафовут борлигини кўрсатмоқда. Айниқса, ички истеъмол талабини белгиловчи чакана савдо ва пуллик хизматлар ўртасидаги тафовут минтақаларда аҳоли турмуш даражаси нисбатан орқада қолаётганлигини билдиради.

Сўровнома натижаларига кўра, туманларда саноат корхоналарини ривожлантиришда ижобий силжишлар йўқлиги, хизматлар соҳасининг талабга жавоб бермаслиги, ер ва сув ресурслари сифатининг пастлиги, ишсизликнинг юқорилиги, инвестицияларни жалб қилиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган.

Умуман, минтақаларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва бой табиий-иқтисодий салоҳият ўртасидаги номутаносиблик сақланиб қолмоқда.

7. Чўл зонаси рақобат афзалликларига эга бўлган газ ва газ конденсати, ноёб ва рангли металлар, кимё минерал хом ашё ресурсларига эга бўлишига қарамасдан, улардан фойдаланиш даражаси нисбатан паст. Сув ва ер ресурсларининг чекланганлиги, экологик вазиятнинг нобарқарорлигини, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ривожланишини чекловчи омил сифатида кўриш мумкин.

Табиий-иқтисодий салоҳиятни баҳолаш натижаларига кўра, минтақалар салоҳияти бўйича юқори (Бухоро, Навоий, Қашқадарё), ўртача (Самарқанд, Сирдарё, Хоразм) ва кам салоҳиятли (Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари) гуруҳларга бўлинган бўлиб, улардан табақалашган ҳолда ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш лозим. Таҳлиллар туманлар даражасида табиий-иқтисодий салоҳият ўртасидаги тафовут янада юқори эканлигини кўрсатмоқда.

8. Келажакда иқлим ўзгариши туфайли юзага келадиган салбий оқибатларни (Орол денгизи инқирози, чўллашув жараёнининг кучайиши, ер ва сув сифатининг ёмонлашуви ва бошқалар) олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ва мониторинг тизимини ишлаб чиқишни тақазо қилади. Айниқса, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришни таъминлаш мақсадида сувни тежашга, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, яйловлардан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

9. Мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланишга қаратилган чўл зонасини ривожлантириш стратегиясининг сценарий ва вариантлари илмий асосланган. Таклиф этилаётган вариантда асосий эътибор иқтисодиётни модернизациялаш, салоҳиятнинг рақобатбардошлик афзалликларидан самарали фойдаланиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, экологик вазият ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибат ва хатарларга қарши олдиндан чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни кўзда тутади.

Иқтисодий ўсиш суръатлари асосан йирик инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш натижасида минтақаларда ўсиш нуқталарини шакллантириш, тармоқлар ва тармоқлараро (газ-кимё, рангли металлургия, озиқ-овқат, қурилиш материаллари) кластерларини ривожлантириш ҳисобига эришиш мўлжалланган.

10. Чўл зонасини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш мақсадида қуйидаги ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий ва иқтисодий механизмлар таклиф этилган:

- мавжуд қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритишни, тўғридан-тўғри хукумат қарорлари орқали чўл зонасига хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилишни қўллаб-қувватлаш ва қулай шароит яратиш;
- минтақаларда йирик саноат корхоналарини жойлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тафовутларни камайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қошида Мувофиқлаштириш кенгаши ташкил қилиш;
- чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларнинг ўрта ва узоқ муддатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда уларнинг бой табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, озиқ-овқат, ёқилғи-энергетика хавфсизлигини таъминлашдаги ҳиссасини ошириш, аҳоли турмуш даражасини янги сифат даражасига кўтариш, экологик вазият ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни камайтиришни устувор йўналишлар қаторига киритиш;
- минтақаларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва таъминлашда эркин иқтисодий зоналар, ўсиш нуқталари, технопаркларни ташкил этиш каби самарали ҳудудий шакллардан фойдаланиш;
- чўл зонасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда янги инновацион лойиҳаларни амалга оширишни янада кучайтириш;

- мураккаб иқлим шароитида меҳнат қилаётганлар учун қулайликлар яратиш, иш ҳақига устамалар белгилаш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

Монография ва илмий журналлардаги мақолалар

1. Маматқулов А.В. Ўзбекистон чўл зоналарининг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишлари // Монография. – Тошкент, “Yangi nashr”, 2008. 112 б.

2. Маматқулов А.В. Қишлоқ хўжалигида суғориладиган шўрхок ерлардан самарали фойдаланиш // – Тошкент, “Чўлпон”, 2006. 136 б.

3. Маматкулов А.В. Стабильное развитие природно-экономических зон Узбекистана // Объединенный научный журнал. – М.: 2007. №16(204) –С. 58-59.

4. Маматқулов А.В. Турли табиий-иқтисодий ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. – Тошкент, 2008. № 5, – Б. 37.

5. Маматқулов А.В. Чўл ҳудудларидан унумли фойдаланиш // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. – Тошкент, 2008. № 7, – Б. 29-30.

6. Маматқулов А.В. Минтақалар иқтисодий ўсишини таъминлаш истиқболлари // “Жамият ва бошқарув”. – Тошкент, 2008. № 3, – Б. 65-67.

7. Маматкулов А.В. Особенности природно-экономических зон в регионах Узбекистана // “Экономика и финансы”. – М.: 2008, № 8 (147) – С. 46-49.

8. Маматкулов А.В. Эффективное использование экономического потенциала степных зон Узбекистана // “Экономика и финансы”. –М.: 2008, № 8 (147) – С. 50-52.

9. Маматқулов А.В. Табиий-иқтисодий ҳудудларни бошқаришда хориж тажрибаси // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. – Тошкент, 2008. - № 11, – Б. 34.

10. Маматқулов А.В. Чўл диагностикаси // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2008. № 12, – Б. 27.

11. Маматқулов А.В. Ер ресурслари: таъсир этувчи омиллар ва мезонлар // “Биржа Эксперт”. – Тошкент, 2008. - №№ 9-10, – Б. 47-51.

12. Маматқулов А.В. Минтақалар салоҳиятидан самарали фойдаланиш омиллари // “Жамият ва бошқарув”. – Тошкент, 2008. № 4, – Б. 80-81.

13. Маматқулов А.В. Иқтисодий салоҳият ва ишлаб чиқаришни жойлаштириш // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. –Тошкент, 2009. -№3 – Б.30-31.

14. Маматқулов А.В. Чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларда ер майдонларининг самарадорлигини ошириш истиқболлари // Формирование интеллектуального, творческого и духовного потенциала личности обучающихся в современных условиях. Сборник научно-методических статей. – Ташкент, 2009. – С. 177-178.

18. Mamatkulov A.V. On efficient use of potential of natural economic territories in Uzbekistan // International Research Bulletin. Perspectives of Innovations, Economics and Businees. – Praga: Volume 1, July 2009. – P. 134-135.

15. Маматқулов А.В. Чўл зоналари минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши // “Биржа Эксперт”. – Тошкент, 2009. - № 5, –Б. 17-21.

16. Маматқулов А.В. Чўллашув жараёни ва иқлим ўзгаришининг оқибатлари// “Биржа Эксперт”. – Тошкент, 2009. - № 9,. – Б. 21-24.

17. Маматқулов А.В. Чўл ҳудудларида ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. –Тошкент, 2009. - №6,. –Б.36.

19. Маматқулов А.В. Минтақалар иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг услубий асослари // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. – Тошкент, 2009. № 7, – Б. 29.

20. Маматқулов А.В. Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ижтимоий кузатувлар орқали баҳолаш // “Иқтисодиёт ва таълим”. – Тошкент, 2009. - № 2, – Б. 7-9.

21. Маматқулов А.В. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида чўл зоналарини барқарор ривожлантириш // Формирование интеллектуального, творческого и духовного потенциала личности обучающихся в современных условиях. Сборник научно-методических статей. – Ташкент, 2009. – С. 179-181.

22. Маматқулов А.В. Минтақаларни барқарор ривожлантириш стратегияси // “Иқтисодиёт ва таълим”. – Тошкент, 2009. - № 6, – Б. 6-8.

23. Маматқулов А.В. Ёнилғи-энергетика мажмуасини ривожлантиришнинг стратегик аҳамияти // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”.–Тошкент, 2009.- № 9,– Б.34.

24. Маматқулов А.В. Чўл хом ашё захираларининг иқтисодиётдаги ўрни // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. – Тошкент, 2009. - № 10, – Б. 31.

Илмий-амалий конференция тезислари

25. Маматкулов А.В. Устойчивое развитие пустынных территорий Узбекистана // Актуальные проблемы экономического развития в современных условиях. “Двадцатые международные Плехановские чтения”–М.: 2007.– С.181.

26. Маматқулов А.В. Чўл зонасидаги минтақаларининг иқтисодий салоҳияти ва истиқболини боҳолаш // Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларнинг барқарор ривожланиши. Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2008. – Б. 70-72.

27. Маматқулов А.В. Табиий-иқтисодий зоналарни бошқаришнинг иқтисодий механизмлари // Тадбиркорлик менежменти: назария, амалиёт, истиқбол. Республика илмий-амалий конференцияси. –Тошкент, 2008. –Б.61-63.

28. Маматқулов А.В. Минтақаларни самарали бошқариш тизимини шакллантиришнинг муҳим масалалари ҳақида // Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. –Тошкент, 2008. –Б. 149-150.

29. Маматқулов А.В. Чўл ва чўл олди зоналарида жойлашган минтақаларни барқарор ривожлантириш стратегияси ва вариантлари // Аграр соҳада ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларнинг биологик, экологик ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани. – Гулистон, 2009. – Б. 29-32.

30. Маматқулов А.В. Ўзбекистон чўл зонасида ер ва сув ресурслари салоҳиятидан фойдаланиш // Аграр иқтисодиёт тармоқларида ресурслардан фойдаланиш, банк ва молия. Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2008. – Б. 59-62.

31. Маматқулов А.В. Минтақалар барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга услубий ёндашув // Ўзбекистон иқтисодиёти барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш бугунги куннинг устувор вазифаси. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2009. – Б. 162-165.

32. Маматқулов А.В. Чўл зонасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг концептуал асослари // Ўзбекистон иқтисодиёти барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш бугунги куннинг устувор вазифаси. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2009. – Б. 318-321.

33. Маматқулов А.В. Чўл зонасида ижтимоий-иқтисодий вазият диагностикаси // Аграр соҳада ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларнинг биологик, экологик ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани. – Гулистон, 2009. – Б. 32-35.

34. Маматқулов А.В. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида чўл зонасини барқарор ривожлантириш масалалари // Чўл-яйлов чорвачилигининг экологик асосланган технологиялари. Республика илмий-амалий анжумани. – Самарқанд, 2009. – Б. 171-175.

35. Маматқулов А.В. Чўллашув жараёни ва иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалиги ривожланишига таъсири // Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда чорвачилик тармоғини иқтисодий, ташкилиш ва ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришнинг аҳамияти. Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2010. – Б. 169-171.

36. Маматқулов А.В. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда чўл зонаси имкониятларидан фойдаланиш // Баркамол авлод – мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти пойдевори. Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2010. – Б. 169-171.

37. Маматқулов А.В., Маматқулов И.А. Минтақаларнинг иқтисодий ўсиш суратларини эконометрик моделлаштириш орқали прогнозлаш // Фаннинг долзарб муаммолари ёш олимлар нигоҳида. Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2010. – Б. 115-116.

38. Mamatkulov A.V., Mamatkulov I.A. Econometric analysis of the competitveness level of food processing enterprisis – a case of Nestle and Donone Group companies // Место и значение малого бизнеса и частного предпринимательства в социально-экономическом развитии Узбекистана. Материалы республиканской научно-практической конференции. – Ташкент, 2011. – С. 452-454.

39. Маматқулов А.В., Жўраев Ш.С. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг долзарб масалалари ҳақида // Илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларга асосланган кичик бизнесни ривожлантириш муаммолари ёш олимлар нигоҳида. Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2011. – Б. 158-159.

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Маматқулов Абдурашид Вахидовичнинг 08.00.12–“Минтақавий иқтисодиёт” ихтисослиги бўйича “Ўзбекистон чўл зонаси табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: минтақа, чўл зонаси, чўллашув жараёни, табиий-иқтисодий салоҳият, экология, барқарор ривожланиш, диагностика, индекс, инновация, иқлим, модернизация, стратегия, сценарий.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистоннинг чўл ҳудудлари мавжуд минтақалари (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар) танланган.

Ишнинг мақсади: иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистоннинг чўл зонаси табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали барқарор иқтисодий ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: анкета орқали кузатиш, индекс усули, моделлаштириш, прогнозлаш, статистик гуруҳлаш, тизимли таҳлил, умумлаштириш, эксперт баҳолаш усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: мамлакатнинг барқарор ривожланишида табиий-иқтисодий зоналар, хусусан, чўл зонасининг ўрни ва ўзига хос хусусиятлари очиб берилган ҳамда унинг илмий-назарий, услубий асослари такомиллаштирилган; чўл зонасининг мамлакат озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни, салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш зарурияти илмий жиҳатдан асосланган; хорижий мамлакатларнинг минтақаларни табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишда саноат корхоналарини жойлаштиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини қуриш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш механизмлари борасидаги тажрибаларини Ўзбекистон иқтисодиётида қўллаш тавсия этилган; чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларда чўллашув жараёнининг кечиши ер майдони таркиби, тупроқ унумдорлиги, шўрланиш даражаси, ер ости сувларининг минераллашуви ва бошқа табиий-иқлим шароити кўрсаткичлари асосида аниқланган; табиий-иқтисодий салоҳиятни баҳолашда индекс ва рейтинг услубларини қўллаш орқали минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига табиий-иқлим шароити ва экологик ҳолатнинг таъсири ўрганилган; табиий-иқтисодий салоҳиятни аниқлаш, баҳолаш ва мониторинг қилиш асосида минтақаларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг услубий асослари ишлаб чиқилган; чўл ҳудудлари мавжуд минтақалар ва туманларнинг иқтисодий ривожланишидаги тенденциялар, номутаносибликлар, тафовутлар аниқланган; чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларнинг иқтисодий ўсиш сценарий ва вариантлари ишлаб чиқилган; чўл ҳудудлари мавжуд минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари илмий асосланган ва уларни амалга оширишнинг қонуний-ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари бўйича олинган илмий ва амалий таклифлардан минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, “O’zbekqorako’li” компанияси ва Ўзбекистон Миллий университети томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган.

Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Маматкулова Абдурашида Вахидовича на тему: «Основные направления эффективного использования природно-экономического потенциала пустынной зоны Узбекистана», на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.12 – «Региональная экономика»

Ключевые слова: регион, пустынная зона, процесс остепнения, диагностика, природно-экономический потенциал, экология, устойчивое развитие, индекс, инновация, климат, модернизация, стратегия, сценарий.

Объекты исследования: регионы, охватывающие пустынные зоны Узбекистана (Республика Каракалпакстан и вилояты).

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию стабильного экономического развития посредством эффективного использования природно-экономического потенциала пустынной зоны Узбекистана в условиях модернизации экономики.

Методы исследования: анкетирование, метод индексации, метод обобщения, моделирование, прогнозирование, системный анализ, сравнение, статистическая группировка, экспертная оценка.

Полученные результаты и их новизна: усовершенствованы научно-теоретические и методические основы выявления характерных особенностей природно-экономических зон, в частности, место и значение пустынной зоны в устойчивом развитии экономики страны; научно обоснованы необходимость эффективного использования потенциала пустынной зоны, ее роль и значение в решении продовольственной и энергетической безопасности государства; рекомендации по внедрению в Узбекистане опыта зарубежных стран, направленного на эффективное использование природно-экономического потенциала территорий, механизмы по, стимулированию размещения промышленных предприятий в сельской местности, строительству объектов производственной инфраструктуры, созданию благоприятных условий для жизнедеятельности населения, разработке и реализации государственных целевых программ; процесс опустынивания определен на базе изменения структуры земель, плодородия почв, степени засоленности и минерализации подземных вод, а также других показателей характеризующих природно-климатические условия регионов; с использованием индексного и рейтингового подходов при оценке природно-экономического потенциала определены влияние климата и экологии на социально-экономическое развитие регионов; разработаны методические основы стратегии устойчивого развития регионов на основе оценки и мониторинга природно-экономического потенциала; определены тенденции и диспропорции в экономическом развитие пустынной территории регионов и туманов; выработано сценарии и варианты стратегии экономического роста пустынной зоны; научно обоснованы приоритетные направления социально-экономического развития регионов пустынной зоны и разработаны конкретные практические рекомендации по законодательно-правовым, организационным и экономическим механизмам их реализации.

Практическая значимость: научно-теоретические выводы и практические предложения могут быть использованы при разработке программ социально-экономического развития регионов.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования приняты к внедрению Законодательной палатой Олий Мажилиса Республики Узбекистан, Министерством сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан, Министерством труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан, компанией “O’zbekqorako’li” и Национальным университетом Узбекистана.

Область применения: Министерство сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан, Министерство труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан, органы государственной власти на местах, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Abdurashid Vakhidovich Mamatkulov on the scientific degree competition of the doctor of sciences in economics, specialty 08.00.12 – "Regional economics" on subject: "The main directions of effective using the natural and economic potentials of the desert zone of Uzbekistan"

Key words: region, desert zone, steppe formation process, diagnostics, natural-economic potential, ecology, sustainable development, index, innovation, climate, modernization, strategy, scenario.

Subjects of research: the regions, covering desert zone of Uzbekistan (the Republic of Karakalpakstan and other regions).

Purpose of work: development of research proposals and practical recommendations for improving the sustainable economic development through the efficient use of natural and economic potentials of the desert zone of Uzbekistan in terms of economic modernization.

Methods of research: questionnaires, indexing method, the method of synthesis, modeling, forecasting, systems analysis, comparison, statistical grouping, estimation of experts.

The results obtained and their novelty: improved scientific-theoretical and methodological framework to identify the characteristics of natural-economic zones, in particular, the role and significance of the desert zone in the sustainable development of the country's economy; necessity of effective utilization of deserted zone's potentials, its(her) role and significance in the decision of food and energy safety of the country are scientifically substantiated; recommendations for implementation of foreign countries' experience in Uzbekistan aimed at efficient use of natural-economic potentials of the territories, mechanisms, encourage the location of industrial enterprises in rural areas, construction of industrial infrastructure and creating favorable living conditions for population, development and implementation of state target programs; the process of desertification is defined on the basis of changes in the structure of land, soil fertility, degrees of salinity and mineralization of underground waters, and also other parameters characterizing the climatic conditions of the regions; using the index and rating approaches in assessing the natural-economic potentials, the influence of climate and ecology on social-economic development of regions are determined; methodological framework strategy for sustainable regional development based on the assessment and monitoring of natural-economic potentials are improved; tendencies and disproportions in economic development of deserted territory of regions and districts are identified; scenarios and policy options for economic growth of the desert zone are generated; priority directions of social-economic development of regions of the deserted zone are scientifically proved and concrete practical recommendations for legislative-legal, organizational and economic mechanisms of their realization are developed.

Practical significance: obtained research and theoretical findings and practical suggestions can be used in the accomplishment of program for social-economic development of regions.

Degree of embed and economic affectivity: the results of study accepted for implantation by the Legislative Chamber of Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, Ministry of Agriculture and water resources of the Republic of Uzbekistan, Ministry of labour and social protection of the Republic of Uzbekistan, "Uzbek Karakul" company and National University of Uzbekistan.

Field of application: The Ministry of Agriculture and water resources of the Republic of Uzbekistan, The Ministry of labour and social protection of the Republic of Uzbekistan, local governmental authorities and high educational institutions.

Тадқиқотчи: